

DRACOCERPHALUM DIVERSIFOLIUM RUPR. НИНГ БАЛАНДЛИК МИНТАҚАЛАРИ ВА ИҚЛИМ КЎРСАТКИЧЛАРИ БЎЙИЧА ТАРҚАЛИШИ

Т. Х. Махкамов

Тошкент давлат аграр университети

Ф. И. Акбаров

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти

Д. Х. Рахматова

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

mturobzhon@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада *Dracoccephalum diversifolium* нинг экологияси тўғрисида маълумотлар келтирилган. *D. diversifolium* нинг мавжуд координаталарини баландлик минтақалари бўйича жойлашувини моделлаштириш шуни кўрсатдики, бу тур тоғ минтақасига ҳос бўлиб, текисликларда кузатилмади. Турнинг баландлик минтақалари бўйича тарқалиш диапазони 1089 м (Помиролой) – 3363 м (Помиролой) ташкил этиб, ўртача баландлик Тиёншон 2190 м, Помиролой 2244 м га тўғри келди. Шимолдан (Тиёншон) жанубга (Помиролойга) борган сари турнинг баландлик диапазони ортиб бориши кузатилди. *D. diversifolium* тарқалган майдонларда йиллик ёғинларнинг умумий амплитудаси 297 мм (Тиёншон) – 967 мм (Помиролой) эканлигини кўрсатди. Ёғинларнинг ўртача кўрсаткичи Тиёншон 530 мм, Помиролой 693 мм га тенг. Йиллик ёғинлар учун энг оптимал оралик 600–800 мм ҳисобланиб, унга намуналарнинг 40% тўғри келади. Йиллик ўртача ҳарорат бўйича таҳлиллар *D. diversifolium* -4.1° – 12.03° C оралиғида тарқалганлигини кўрсатди. Моделлаштириш натижаларига кўра шимолдан (Тиёншон) жанубга (Помиролой) борган сари, *D. diversifolium* нинг мавжуд ўсиш нуқталарининг баландлик диапазони, йиллик ёғинлар миқдори ва ўртача ҳарорат ортиб борди. Биоиклимий тенденциялар орасида, *D. diversifolium* гербарий намуналари йиғилган координаталар учун BIO14 энг юқори чекловчи хусусиятга эга бўлиб 7 та координатани ўз ичига олди.

Калит сўзлар: баландлик, ёғингарчилик, ҳарорат, Тиёншон, Помиролой, DIVA-GIS, Map-Viever, SRTM.

DISTRIBUTION OF DRACOCEPHALUM DIVERSIFOLIUM RUPR. BY HIGH REGIONS AND CLIMATE INDICATORS

ABSTRACT

The article provides information on the ecology of *Dracocephalum diversifolium*. Modeling the location of the existing coordinates of *D. diversifolium* above the altitudinal belts showed that this species is specific to the highlands and does not occur on the plains. The distribution area of the species in the altitudinal zones was 1089 m (Pamiralay) - 3363 m (Pamiralay), the average height was 2190 m in Tianshan and 2244 m in Pamiralay. The elevation range of the species was observed to increase from north (Tianshan) to south (Pamiralay). *D. diversifolium* showed that the total amplitude of annual precipitation in the distributed territories was 297 mm (Tianshan) - 967 mm (Pamiralay). Average rainfall is 530 mm in Tianshan and 693 mm in Pamiralay. The optimal range of annual precipitation is 600–800 mm, which is 40% of the samples. Analysis of the average annual temperature showed that *D. diversifolium* was distributed in the range of -4.1-12.03 °C. According to the modeling results, the range of heights of the existing growth points of *D. diversifolium*, the amount of annual precipitation and the average temperature increased from the north (Tianshan) to the south (Pamiralay). Among bioclimatic trends, herbarium specimens of *D. diversifolium* had the highest limiting property BIO14 for the collected coordinates and included 7 coordinates.

Keywords: altitude, precipitation, temperature, Tianshan, Pamiralay, DIVA-GIS, Map-Viever, SRTM.